МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚЛИМ БОСИМИ ОСТИДА ҚОЛМОҚДА



Вадим СОКОЛОВ,
Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга оширишни бошқариш агентлиги директори ўринбосари, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси (ИДХК) вице-президенти

Бугунги кунда иқлим масаласи фақат тор доирадаги илмий анжуманлар мавзуси эмас. Негаки, шаҳарлар устида тўпланаётган чанг ҳаво, эрта келиб, кеч кетаётган жазирама, деҳқончиликни тирикчилик учун курашга айлантираётган қурғоқчилик катта ташвишлардан дарак бериб турибди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бери сайёрамиз экотизими тез суръатларда ўзгармоқда. Атмосферадаги иссиқхона газлари, аввало, углерод диоксиди ва метан концентрациясининг ортиши салбий оқибатларни келтириб чиқаряпти, қуёш атмосферада ҳаво айланишига, стратосферада озон қатламига, океанларда эса иссиқлик алмашинувига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат эндиликда илмий кузатувлар ва моделлаштириш натижалари билан тасдиқланган фактдир.

Марказий Осиё географик жиҳатдан қитъанинг ички қисмида, ўрта ва юқори кенгликларида жойлашгани боис иқлим ўзгаришининг энг заиф нуқталаридан бири ҳисобланади. Минтақада исиш суръати дунёдаги ўртача кўрсаткичдан юқори. Бошқарувдаги хатолар эса яқин келажакда сув танқислигига, иқтисодий йўқотишлар ва ижтимоий кескинликка олиб келиши мумкин.

Дунёда иқлим ўзгаришларини ўрганаётган илмий инфратузилма тўлиқ шаклланди ва тизимли равишда ишламоқда. 1988 йили ташкил этилган Жаҳон иқлим тадқиқотлари дастури ва Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (Intergovernmental Panel on Climate Change, IPCC) бу табиий жараённинг сабаблари, оқибатлари ва жавоб чоралари бўйича мукаммал хулосаларни тақдим этмоқда. 2023 йил март ойида эълон қилинган Олтинчи баҳолов ҳисоботи иқлим физикасидан тортиб, мослашув ва салбий оқибатларни камайтириш чораларигача бўлган йўналишларга доир юзлаб олимларнинг хулосаларини бирлаштирди. Айни пайтда Еттинчи



баҳолов босқичи давом этмоқда. Ҳукуматлар 2029 йил охирига қадар ишчи гуруҳларнинг учта асосий ва умумий хулосалар ҳисоботини эълон қилишга келишиб олган. 2027 йил бошигача иқлим ва шаҳарлар, қисқа муддатли омиллар ҳақидаги махсус ҳисоботлар, CO_2ни бартараф этиш, углеродни ажратиб олиш, фойдаланиш ва сақлаш бўйича услубий ишланмалар тайёрланади. Бу жараён билан бир вақтда таъсир ва мослашувни баҳолашга доир техник воситалар ҳам янгиланади.

Марказий Осиё учун бу глобал жараён шундай бир ҳақиқатни англатади: биз аллақачон “янги меъёрлар” шароитида яшаяпмиз. 1976–2022 йиллар оралиғида минтақадаги ўртача мавсумий ҳароратнинг ўсиш суръати, МДҲ Гидрометеорология бўйича давлатлараро кенгаши маълумотларига кўра, глобал кўрсаткичдан икки баробар юқори бўлди. Бу динамика ҳудудлар бўйича турлича кечмоқда, аммо деярли барча манзилларда баҳорги исиш анча тезлашган, Туркманистонда эса йиллик тренд бўйича рекорд кўрсаткичлар қайд этиляпти. Ўзбекистонда 1880 йилдан бери ўртача йиллик ҳарорат тахминан 1,6 °C га – 13,2 °C дан 14,8 °C гача ошган, бу ҳам жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори. 2030–2050-йиллар учун тузилган прогнозлар яна 1,5–3 °C қўшимча исишни кўрсатмоқда. Аср охирига келиб, тахминларга (SSP) кўра, ёзги ҳарорат саноатгача бўлган даврларга нисбатан 3,3–8,7 °C гача ошиб кетиши мумкин. Бу рақамлар “охирзамон манзараси”ни эмас, балки ердан фойдаланиш, энергетика, сув сиёсати ва соғлиқни сақлаш соҳаларида инобатга олиниши шарт бўлган оқибатлар миқёсини ифодалайди.

Хавфни кучайтираётган асосий омиллардан бири – метан. Туркманистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон CH_4 чиқиндилари бўйича дунёдаги йирик манбалар қаторида туради. Нефть-газ секторидаги чиқиндилар, кўмир саноатидаги метан ажралишлари CO_2 га нисбатан анча тез ва кучли исишни юзага келтиради.

Орол денгизи экотизими инсон таъсири оқибатида чуқурлашган иқлим заифлигининг ёрқин намунасидир. Ушбу улкан “намлик ва ҳарорат регулятори”нинг йўқолиши натижасида қиш фаслида қуруқлик устида кучли Осиё баланд босим маркази шаклланади. Бу антициклон совуқ бўлади ва ёғингарчиликни камайтиради. Ёғин асосан текислик томон силжийди, тоғларда эса қор миқдори камаяди. Бу эса, келгусида дарё оқимига сезиларли таъсир кўрсатади. Ёзда бунинг акси юз беради: Оролнинг “намлик нафаси”дан маҳрум минтақада иссиқ ва қуруқ ҳаво массалари таъсирида қурғоқчилик янада кучаяди. Охирги йигирма йилда июль ойининг ўртача ҳарорати 30 °C атрофида сақланиб келмоқда, айрим кунларда 45 °C гача етган. Ёзги ёғин миқдори эса йил сайин камайиб боряпти.

Тянь-Шань ва Помир музликлари ҳам тез суръатда эримоқда. Улар Амударё ва Сирдарё оқимининг деярли саксон беш фоизини таъминлайди. Ўзгидромет маълумотларига кўра, 2020 йилга келиб, айрим ҳавзаларда музлик ҳажми 1957 йилдагига нисбатан 32 фоизга камайган. Помирдаги Федченко музлиги 40 фоизга, Қирғизистондаги музликлар эса 30 фоизга қисқарган.

Агар бу жараён давом этаверса, минтақанинг сув тизими камайиши тоғли ҳудудлардан бошланади. Бундай вазиятда Оролбўйини тиклаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самара бермаслиги, чўлланиш эса турли зоналарда бир вақтнинг ўзида тезлашиши мумкин. Шу боис бугунги кунга келиб, криосферани сақлаш экологик вазифадан ташқари, стратегик иқтисодий заруратга ҳам айланди.

Сув баланси параметрлари ҳам ушбу хавотирли манзарани тасдиқламоқда. 2000 йили Орол ҳавзасининг икки асосий дарёси – Амударё ва Сирдарёнинг кўп йиллик ўртача оқими йилига тахминан 116,5 км^3 деб баҳоланган (Сирдарё – қарийб 37,2 км^3; Амударё – тахминан 79,3 км^3). 2020 йилга келиб, иқлим таъсири оқибатида ушбу кўрсаткич 112,4 км^3 атрофида қайд этилди. Қисқариш – 3,5 фоиз.

Тахминларга кўра, 2050 йилдан кейин ёғингарчилик 3-14 фоизгача ошиши мумкин. Бу, назарий жиҳатдан, умумий дарё оқимини ҳозирги даражада сақлаб тура олади. Бироқ музликларнинг эриши давом этса, 2100 йилга бориб, сув ресурсларининг яна 15-20 фоизга камайиши эҳтимолдан холи эмас. Бу тахминан 90 км^3 демакдир. Агар ушбу прогнозлар тасдиқланса, қишлоқ хўжалигига таянган иқтисодиётлар жиддий қийинчиликларга дуч келади: камбағаллик даражаси ортади, миграция тўлқинлари, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ янги таҳдидлар юзага келади.

Инфратузилма нуқтаи назаридан эса, суғориш учун сув танқислиги, гидроэнергетикада оқимнинг камайиши туфайли энергия таъминотида ўзгаришлар, захиралар учун рақобатнинг кескинлашуви каби муаммолар пайдо бўлади.

Минтақада чанг ва қум бўронларининг тез-тез содир бўлаётгани ҳам хавотир уйғотмоқда. 2021 йил 4 ноябрь куни юз берган куч-

ли бўрон Тошкент аҳли учун энг эсда қоларлиси бўлди. Орол денгизининг қуриб қолган тубидан ҳар йили 100 миллион тоннагача чанг атмосферага кўтарилаётир. Оролбўйи ҳудудидаги бўронли кунлар йилига 90 кундан ошиб кетди.

Бу ҳолат энди “экзотика” эмас, балки урбанистлар, экологлар ва тиббиёт мутахассислари инобатга олиши шарт бўлган муаммоларни – нафас йўллари ва юрак-қон томир касалликлари хавфи ошишини, ҳосилдорлик пасайишини, яйловлар қисқариши ва оилалар зиммасига тушаётган иқтисодий босим ортишини юзага келтиради.

Сув мамлакатимиз учун ҳар доим дипломатия даражасидаги муҳим масалалардан бири бўлиб келган. Буни англаш учун дарё оқими географиясига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси ҳузуридаги илмий-тадқиқот маркази маълумотларига кўра, Амударё ва Сирдарё умумий оқимининг атиги 9,6 фоизи Ўзбекистон ҳудудида шаклланади. Тожикистонда ушбу кўрсаткич 52 фоизни, Қирғизистонда 25,1 фоизни, Афғонистонда 10 фоизни ташкил этади. Демак, мамлакатимиз ишлатаётган сувнинг 80 фоиздан ортиғи ташқи манбалардан – юқори ҳавзалардан келади. Шу боис давлатлар ўртасидаги келишувлар қишлоқ хўжалиги, энергетика ва пастки оқимдаги экотизимлар барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

1980-йилларда ишлаб чиқилган ва Собиқ Иттифоқ сув хўжалиги вазирлиги томонидан Амударё бўйича (1987) ҳамда Сирдарё бўйича (1984) протоколларда мустаҳкамланган тақсимот тамойиллари 1992 йилги Олмаота келишуви ва 1995 йилги Нукус декларациясида ҳам тасдиқланган. Янги ва барча учун ягона ҳуқуқий механизм ҳали шаклланмаган ҳозирги шароитда ана шу “андоза архитектураси” ҳануз қурғоқчилик даврларидан нисбатан барқарор ўтишга хизмат қилмоқда.

Сув тақсимоти Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси томонидан ҳавзалар кесимида келишилган сув олиш лимитлари орқали амалга оширилади (1992–2025 йиллар бўйича ўртача амалий лимитлар инфографикасига қаранг). Бироқ иқлим ва иқтисодий жараёнлар ушбу параметрларни тобора ўзгартиряпти: юқори оқимдаги энергетика тизими қишда электр энергияси ишлаб чиқариш учун кўпроқ сувни талаб қилса, пастки оқимдаги суғориш тизимларига эса бу захира ёзда – ўсимликлар намликка муҳтож бўлган даврда зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Норин-Сирдарё каскади сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича 1998 йилги келишув қай даражада мураккаб кечганини тушуниш қийин эмас. “Ёзда сув – қишда энергия” тамойили ўзаро манфаатли механизм сифатида кўзда тутилган эди, аммо 2000-йиллар бошига келиб, ягона тариф сиёсати, компенсация механизмлари ва нархлар ўртасидаги мувозанатнинг йўқлиги туфайли тизим издан чиқди. Бироқ мазкур сабоқ “қумга сингиб” кетмади, 2017 йилда ҳам, қурғоқчилик кучайган 2021 йилда ҳам томонлар вазиятдан келиб чиқиб, ўзаро ҳисоб-китобларга қайтиш йўлини топди.

2025 йил сентябрь ойида эса, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон 2025–2026-йилларга мўлжалланган протоколларни имзолаб, Тўқтоғул сув омборидан чиқариладиган сув режимлари, Қирғизистонга Қозоғистон ва Ўзбекистондан электр энергияси етказиб бериш, шунингдек, Россия электр энергиясини Қозоғистон энергетика тизими орқали транзит қилиш масалаларини белгилаб олдилар. Бу Тўқтоғул сув омбори сатҳи барқарорлигини сақлаш ва 2026 йилги вегетация даврида суғоришни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Айрим икки томонлама келишувлар ҳам минтақа учун “умумий математик формула”ни тўлдирмоқда. Масалан, 2026 йили Қозоғистоннинг жанубий ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган танқисликни қоплаш мақсадида тахминан 900 миллион кВт/соат электр энергиясини етказиб бериш бўйича эришилган келишув шулар жумласидандир.

Ўзбекистон–Туркманистон йўналиши бўйича Амударё масаласи ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга. 2022 йилдаги янги келишув табиий оқимга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракат, жумладан, янги гидротехник иншоотлар барпо этиш барча манфаатдор давлатлар билан келишилиши ва мустақил экспертизадан ўтказилиши шарт эканини кўрсатди.

Афғонистонда амалга оширилаётган улкан Қўштепа канали лойиҳаси фонида бу тамойилнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Ҳозирги концепцияга кўра, Қўштепа лойиҳасида 281 км. узунликдаги, 100 метргача кенгликдаги ва 8 метргача чуқурликдаги магистрал канал кўзда тутилган. Ундан йилига 13 млрд. метр кубгача сув олиниши мумкин. Бу Амударё умумий оқимининг тахминан 20 фоизини ташкил этади. Сувнинг асосий қисми май-сентябрь ойларида олиниши режалаштирилган бўлиб, бу пастки ҳавзадаги суғориш мавсумининг энг қизғин даврига тўғри келади.

Сиёсий контекст бир четга суриб қўйилганда ҳам, лойиҳанинг муҳандислик ва аграр жиҳатлари жуда мураккаб. Канал бўйидаги суғоришга яроқли ерлар умумий майдоннинг ярмидан камини ташкил этади, қолган ҳудудлар эса жуда қимматга тушадиган рекультивация ишларини талаб қилади. Очиқ манбалардаги маълумотларга кўра, мазкур харажатлар ҳозирча лойиҳа сметасига киритилмаган. Афғонистон ўн йиллар давомида трансчегаравий сувлардан ўз улуши даражасида фойдалана олмаган. Бироқ Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро вилоятлари, шунингдек, Туркманистоннинг Қорақум каналига боғлиқ суғориладиган ҳудудлари учун бу жиддий хавф туғдиради. Чунки қурғоқчилик йилларида пастки оқимларга белгиланган лимитларнинг тахминан 50 фоизи ёки ундан ҳам кам

қисми етиб келади. Бундай шароитда сувнинг янада камайиши айнан шу ҳудудлар учун жиддий муаммоларни юзага келтириши табиий. Бундай вазиятда бирдан-бир амалий ва тўғри йўл – вақт йўқотмай, прагматик асосда ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Бу нима дегани? Аввало, мустақил экспертлар томонидан амалга ошириладиган техник аудит зарур. Шу билан бирга, сув олинадиган нуқталарда қўшма гидрометрия, яъни аниқ ўлчов ва доимий мониторингни йўлга қўйиш, канал ирмоқларини мустаҳкамлаш ва қоплашга кўмаклашиш, фильтрация туфайли сувни исроф қилишга қарши тизимли чоралар кўриш, ишқорли тупроқларни мелиорация қилиш ҳамда суғориладиган майдонларни босқичма-босқич ишга тушириш талаб этилади. Бундай комплекс ёндашув Афғонистон қишлоқ хўжалиги самарадорлигини сақлаган ҳолда, Амударёдан олиниши мумкин бўлган сув миқдорини деярли икки баробарга камайтириш имконини беради. Бу эса, дипломатия, муҳандислик ва иқтисодиёт бир нуқтада уйғунлашиб, барча учун фойда келтирадиган камдан-кам учрайдиган ҳолатлардан биридир.

Энди глобал кун тартибидан ички муаммоларга қайтсак. Мамлакат декларациялар босқичидан амалиётга ўтиш йўлини босиб ўтди. 2030 йилгача мўлжалланган агроозиқ-овқат стратегияси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича “йўл харитаси” айни пайтда аниқ вазифаларга айланди: гектарига сув сарфини 20 фоизга қисқартириш, “ақлли” ҳисоб тизими ва мини-ўлчаш станцияларини жорий этиш, суғоришда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ер кадастрини такомиллаштириш ва тупроқ таҳлили амалиётини кенгайтириш каби мақсадлар шулар жумласидандир.

Ҳал қилувчи кўрсаткич – ҳудудлар бўйича ўртача йиллик сув олиш ҳажми. 2021–2024-йилларда бу рақам тахминан 44,8 млрд. метр кубни ташкил этди. Бу 2011–2020-йиллардагидан 8,6 млрд. метр кубга кам. Бошқача айтганда, тежамкорлик дарёнинг ўртача бир йиллик оқимига тенг бўлди ва бу тўғридан-тўғри сув тежовчи технологиялар ҳисобига амалга оширилди. 2025 йилнинг ўртасига келиб, 2 миллион гектардан ортиқ майдон, яъни суғориладиган ерларнинг тахминан 55 фоизи сув тежовчи технологиялар билан жиҳозланди. Шунинг 600 минг гектардан зиёдида томчилатиб суғориш тизими қўлланилмоқда. Шу билан бирга, сув истеъмоли тузилмаси ҳам ўзгаряпти: ичимлик ва саноат эҳтиёжи учун сарфланадиган сув улуши ортмоқда, балиқчилик хўжаликлари ҳам кенгаяётир. Яъни иқтисодиёт иқлим реалликларига мос равишда “сув ресурслари саватчаси”ни қайта шакллантираётгани яққол кўринмоқда.

Булардан ташқари, тизимли ислоҳотлар учун институционал пойдевор ҳам зарур эди ва у яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқлим кенгаши (2024 йил 23 июлдаги 106-ПФ) иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини белгилайди, вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштиради, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси ва Париж келишуви бўйича мажбуриятларни мониторинг қилади, ҳуқуқий базани такомиллаштиради ҳамда молиялаштиришни, жумладан, “яшил технология”лар, илм-фан ва инновацияларни қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Илмий салоҳият эса, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши бўйича Марказий Осиё университети (Green University) ҳузурида ташкил этилган Иқлим резиденцияси орқали мустаҳкамланди. У қўшма сценарийлар, илмий-амалий тадқиқотлар ва пилот-лойиҳалар учун минтақавий марказга айланиши мумкин.

Тез натижа бериш эҳтимоли энг юқори бўлган йўналишлар ҳам мавжуд. Метан – уларнинг энг таъсирчани. Нефть-газ инфратузилмасида ҳисоб-китобни тартибга солиш, мониторингни йўлга қўйиш ва сизиб чиқишларни бартараф этиш иқлимни ўртача харажатлар эвазига тез суръатларда яхшилаш имконини беради. Бу жараён халқаро ташаббуслар билан уйғунлаштирилганда, грантлар ва имтиёзли молиялаштириш манбаларини ҳам яратади.

Қишлоқ хўжалиги учун эса, сув тежовчи техника ва технологиялар, ҳар бир метр куб сувга нисбатан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган тариф ва солиқ борасидаги рағбатлантирувчи чора-тадбирлар, сув манбаидан фермер даласигача бўлган бутун жараённи қамраб олувчи рақамли диспетчерлик ҳисоби қатъий ёндашувни талаб этади. Тоғли ҳавзаларда музликлар ва хавфли кўчки жараёнларини қўшма мониторинг қилиш дастурлари, сув хавфларини суғурталаш ҳамда шериклар иштирокида минтақавий даражада “Музликлар жамғармаси”ни ташкил этиш долзарб вазифадир. Трансчегаравий дарёлар учун сув, энергия ва экотизим хизматларининг аниқ қиймати белгилаб қўйилган ягона мавсумий сув ўтказиш ва компенсациялар прото-

Сув тақсимоти Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси томонидан ҳавзалар кесимида келишилган сув олиш лимитлари орқали амалга оширилади (1992–2025 йиллар бўйича ўртача амалий лимитлар инфографикасига қаранг). Бироқ иқлим ва иқтисодий жараёнлар ушбу параметрларни тобора ўзгартиряпти: юқори оқимдаги энергетика тизими қишда электр энергияси ишлаб чиқариш учун кўпроқ сувни талаб қилса, пастки оқимдаги суғориш тизимларига эса бу захира ёзда – ўсимликлар намликка муҳтож бўлган даврда зарур.

коллари, шунингдек, қурғоқчилик йилларида автоматик тузатиш механизмларини жорий этиш талаб этилади.

Соғлиқни сақлаш ва шаҳарлар учун чанг ҳамда қум бўронларидан эрта огоҳлантириш тизимлари, шаҳар атрофида яшил ҳимоя камарларини барпо этиш, хавф гуруҳларига кирувчи аҳоли учун клиник йўриқномаларни татбиқ этиш зарур. Кадрлар тайёрлашда эса, гидротехник ва агрономлардан тортиб сув тармоқларини ҳисобга олиш ва бошқариш бўйича муҳандислар тайёрлангунича кенг кўламли ўқув тизими зарур.

Буларнинг марказида – илгари тор доирага хос ибора бўлган, бугун эса барқарорликнинг асосий мезонига айланган сув дипломатияси туради. Бу – музокаралар маданияти, ишонч, очиқ маълумот алмашинуви, мустақил экспертизани қабул қилишга тайёрлик, энг муҳими эса, оғир келган йилларда умумий манфаатнинг аниқ математикасини ҳисоблай олиш қобилияти демакдир. Бу – миллий эгаменликни сувни “ўз-ўзидан тегишли бўлган ҳуқуқ” сифатида эмас, балки умумий дарё ҳавзаларининг барқарорлиги учун масъулият ўлароқ тушуниш дегани. Бу – Қўштепа ва Тўқтоғул икки алоҳида-алоҳида мавзу эмас, балки ягона муаммонинг икки тарафи эканини англаш дегани. Сув ҳам юқоридаги, ҳам пастки мамлакатларга, ҳам бутун тизимни барқарор ушлаб турган табиат учун етарли бўлиши ҳисобга олиниши шарт.

Глобал исишни “тўхтатиб қўйиш” мумкин эмас. Лекин биз сувни исроф қилишни камайтиришимиз, қурғоқчилик йилларда ҳам иш берадиган қоидалар ва протоколлар бўйича келишишимиз, “дарё даражасида тежамли”, ҳақиқий самара келтирадиган технологияларга сармоя киритишимиз мумкин.

Қолган хулосалар эса инфографикада. Рақамларни изоҳлашга ҳожат йўқ: улар исиш суръати, оқим динамикаси, сув тақсимоти лимитлари, сувни тежаш технологияларини жорий этиш кўрсаткичлари. Шуларни инобатга олган ҳолда, ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилиш ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар орқали муқаррар хавфларни камайтириш лозим. Зеро, Марказий Осиё тақдири сув билан боғлиқ. Бугун биз уни ресурс сифатида кўряпмиз. Аммо сув эртага барқарорлик ва хавфсизлик мезонига айланади. Сувни асраш экологик вазифагина эмас, балки минтақамизнинг иқтисодий ўсиши, хавфсизлиги ва келажагини белгилайдиган стратегик танловдир.

1-жадвал. Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудлари бўйича 1976 – 2022 йиллар оралиғида ўртача мавсумий ҳароратнинг ўсиш суръати (тўғри чизиқли тренд коэффициенти, °C/10 йил)

Мамлакат	йил	қиш	баҳор	ёз	куз
Қозоғистон	0,33	0,26	0,65	0,22	0,23
Қирғиз Республикаси	0,25	0,27	0,48	0,13	0,12
Тожикистон	0,20	0,19	0,35	0.07	0.09
Туркманистон	0,38	0,47	0,48	0,38	0,24
Ўзбекистон	0,34	0,39	0,58	0,31	0,15

2-жадвал. Орол денгизи ҳавзасида 2000-йиллар даражасида дарёларнинг умумий табиий оқими (кўп йиллик оқим, км³/йил)

Мамлакат	Сирдарё (км³)	Амударё (км³)	Орол ҳавзаси жами (км³)	Улуши (%)
Қозоғистон	2,426	–	2,426	2,1
Қирғиз Республикаси	27,605	1,604	29,209	25,1
Тожикистон	1,005	59,578	60,583	52,0
Туркманистон	–	1,549	1,549	1,2
Ўзбекистон	6,167	5,056	11,223	9,6
Афғонистон ва Эрон	–	11,593	11,593	10,0
Жами	**37,203**	**79,280**	**116,483**	**100**

Жадвал. 1992–2025 йилларда амалий ўртача сув олиш лимитлари

Дарё бўйича сув олиш лимитлари	Сув олиш ҳажмлари, км³
Юқори оқим (Амударё ҳавзаси бўйича – Юқори дарё бошқармаси хизмат кўрсатувчи ҳудуд)	
– Қирғиз Республикаси	0,45
– Тожикистон	9,50
– Сурхондарё вилояти (Ўзбекистон)	1,57
Жами:	**11,52**
Ўрта ва қуйи оқим (Амударё ҳавзаси бўйича – Ўрта дарё бошқармаси, Упрадик – Амударё республикалараро каналлар бошқармаси ва Қуйи дарё бошқармаси)	
– Туркманистон	22,0
– Ўзбекистон	22,0
Жами:	**44,0**
Санитар сув ташлаш ва дарё сувини Оролбўйига етказиш	
– Вегетация оралиғида қуйи оқимда санитар-экологик сув ташлаш	0,8
– Оролбўйи ва Орол денгизи томон дарё сувини узатиш	4,2
Жами:	**5,0**
Гидрологик йил бўйича умумий тақсимланадиган лимитлар	60,52 км³

Жадвал. Фарғона водийси кичик дарёлари бўйича оқим тақсимоти ва сув олиш лимитларининг қиёсий жадвали

Дарёлар	Йиллик ҳажм (млн. м³)	Лимит (млн. м³/ %)	Сув олиш (2005–2018 ўртача, млн. м³ / %)	Фарқ
		Ўзбекистон	Қирғиз Республикаси	Ўзбекистон
Исфарасой	323	27 (8%)	120 (37%)	0,09
Исфайрамсой	448	312 (70%)	136 (30%)	216 (43%)
Шоҳимардонсой	186	136 (73%)	50 (27%)	114 (41%)
Сўх	1079	988 (92%)	91 (8%)	834 (68%)
Аравонсой	137	32 (23%)	105 (77%)	14 (11%)
Оқбурасой	426	76 (18%)	350 (82%)	54 (12%)
Савой канали	227	183 (81%)	44 (19%)	160 (66%)
Жами	–	–	–	–